Ушбу сонда:
2 Ислоҳот мевалари — ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИЛАР
3 ХАТЛАР – ҲАЁТ ОЙНАСИ
4 «Президент кубоги» турнири — «ОЛТИН КОПТОК» СЕҲРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 15 сентябр, чоршанба № 130 (777)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Жўшқин ҳаёт нафаси

ЁШ ОЛИМЛАР ЖАМИЯТИ ЙИҒИЛИШИ

Мустақил мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг илмий ва маънавий-маърифий маданиятини янада юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш, ватанпарвар зиёлилар авлодини шакллантириш борасида барча куч ва имкониятларни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти тузилган эди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясида ана шу жамият аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртларида илмий иш олиб бораётган аспирант ва докторантларга зарур барча шароитларни яратиб бериш, уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, жамият моддий базасини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

СИРДАРЁ ПАХТА КАРВОНЛАРИ

Сирдарё далаларида пахта қийғос очилди. Ховос тумани деҳқонлари биринчи бўлиб ҳосил теримига киришдилар. Бу ердаги «Фарҳод» ҳамда Амир Темур номли ширкат хўжаликларига қарашли ҳосил қабул қилиш пунктларига дастлабки пахта карвонлари етиб келди. Уларни қабул қилиб олиш улкан шодиёнага айланди. Бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари пахтакорларнинг меҳнат кўтаринкилигини ошириб юборди. Шу куни 45 тоннадан кўпроқ аъло навли саноат хом ашёси қабул қилиб олинди.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Нукус шаҳрининг Қизкетган посёлкасида кунгабоқардан ёғ ишлаб чиқарадиган қўшма корхона иш бошлади. АҚШнинг «Платас» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхонада ускуналарни ўрнатишда болгариялик ҳамкасблар ёрдам берди. Эллик нафар ёш иш билан таъминланди.

Корхона йилига 50 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга. Шу мақсадда келаси йилдан бошлаб Қорақалпоғистонда кенг майдонларда кунгабоқар етиштирилади.

«БИЗ - ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» стадионида вилоят ёшларининг «Биз - Президент фарзандларимиз!» мавзуидаги форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу анжуманда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлардан келган ёш тадбиркорлар, ишлаб чиқариш илғорлари, ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари, ёш ижодкор, санъаткорлар иштирок этди.

Форумда сўзга чиққан ёшлар озод ва обод Ватан равнақи, тинчлиги ва осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилажакларини таъкидладилар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Нарпай туманидаги «Туркистон» хўжалигининг Турғун Рўзимуродов бошлиқ бригадаси пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллади. Улар биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил кўтариб, қабул пунктига 67 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси топширишди. Бригада аъзолари ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қиляптилар.

(ЎзА)

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кўнғиротда бунёд этилаётган Кўнғирот сода заводи ҳам ана шундай корхоналардан биридир. Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 1200 нафардан зиёд қурувчилар заводни тез ва сифатли фойдаланишга топшириш учун меҳнат қилишмоқда. Бунёд этилаётган шаҳарчада завод ишчи-хизматчилари учун барча қулайликлар бўлади. Мактаб, шифохона, турар-жой бинолари, ошхона ва бошқа бинолар шаҳарча қиёфасига файз бағишлайди.

Суратларда: Турар жой бинолари.
Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида жадидчилик ҳаракати намоёндаларига бағишланган «Унутилмас сиймолар» тўпламининг тақдимоти бўлди.

Мустақиллик юртимизга, халқимизга, ҳар биримизга ўзлигимизни англаш имконини, иймон ва эътиқодимизни қайтариб, буюк тарихимизни холисона, янгидан ўрганиш имконини берди. Айни вақтда истиқлол йўлида ҳаётини аямаган улуғ сиймоларнинг номларини тиклаш ва абадийлаштириш вақти етди. Жадидчилик деб аталган миллий ҳаракат бағрида шаклланиб, шуҳрат топган ул зотлар ўз салоҳиятлари, жонфидоликлари, инсонийлик хислатлари ва ижтимоий-маънавий, сиёсий ғояларини билан тарихимиз солномаларидан абадий ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси олим ва мутахассислари жадидчилик ҳаракатини ўрганиб, улар тўғрисида тўплам чиқаришга киришди. Дастлаб Туркистон, Бухоро, Хоразм жадидчилик ҳаракатининг Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Тавалло, Файзулла Хўжаев, Мунаввар қори, Муҳаммадшариф Сўфизода каби йигирма нафар энг йирик вакиллари тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг таниқли рассомлари Т.Кўзиев, С.Рахметов, А.Иқромжонов, М.Нуриддинов, И.Мансуров ана шу манбалар асосида миллатимиз маърифатпарварларининг портретларини яратди. Тўплам матнларини тарих фанлари докторлари С.Аъзамхўжаев, Д.Алимова, филология фанлари номзоди Ш.Ризаев тайёрлади. Натижада «Унутилмас сиймолар» тўплами юзага келди.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев тўплам тақдимотига бағишланган тадбирни очар экан, Президентимиз маънавий-маърифий, мафкуравий ишларни янада жадаллаштиришда тарихимизни ҳаққоний ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, жадидчилик намоёндалари илгари сурган муқаддас ғояларни қайта тиклаш ва амалга ошириш бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири эканлигига эътиборни қаратаётганликларини қайд этди. Ушбу тўплам эса ана шу муборак йўлда қўйилган дастлабки қадамдир.

Тақдимотда таъкидланганидек, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коллеж ва лицей талабалари ҳамда мактаб ўқувчиларига, кенг жамоатчиликка мўлжалланган ушбу тўпламга киритилган маълумотлар ёшларимизда Ватан туйғуси билан яшаган, миллий ғоя асосида фаолият кўрсатган, истиқлолга интилган миллат фидойилари ҳақидаги тасаввурларни янада кенгайтиришга ва миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА)

ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ

Озарбойжон пойтахти Бокуда шу кунларда дзюдо бўйича халқаро мусобақа ўтмоқда. У ердан хушхабар келди: ўзбекистонлик Фарҳод Тўраев ва Камол Муродов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

«АЁЛ ВА ЖАМИЯТ»

Карши шаҳрида ана шу мавзуда минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари хотин-қизлари вакиллари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова семинарда сўзга чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни тобора ортиб бораётгани, аёлларга оилада бола тарбияси билан шуғулланиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш учун қулай шароитлар яратилаётгани, турли имтиёзлар берилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга бу борада, айниқса янги иш ўринлари очиш, оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш соҳасида ҳали кўп иш қилиниши зарурлигига эътиборни қаратди.

Семинар қатнашчилари Қашқадарё вилоятида иш юритаётган «Аёллар илмий маркази» фаолияти билан танишдилар.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

МАРРА - 45 ЦЕНТНЕР

Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» хўжалиги миришкорлари йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Мавжуд 184 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 31,6 центнердан «оқ олтин» териб топширилди. Хўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

ЖАНГАРИЛАР ЧЕКИНМОҚДА

13 сентябр куни Боткен туманида жойлашиб олган халқаро террорчиларга Қирғизистон ҳукумати томонидан қўйилган таолим бўлиш ҳақидаги ультиматум муддати тугади. Босқинчилардан ижобий жавоб олинмагач, Тожикистон томонидан Қирғизистон ҳудудига ўтган босқинчиларни тугатиш операцияси бошланди. Қирғизистон ҳарбийлари маҳаллий аҳоли ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда жангарилар яширинган мумкин бўлган барча жойларни текшириб чиқмоқда. Дастлабки тўқнашувларда Боткен тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи Қ.Султонов яраланган. Боткен тумани маъмуриятидан хабар қилишларича, Қ.Султонов вертолётда Бишкекдаги ҳарбий касалхонага жўнатилган.

* * *

Боткен ҳудудини халқаро террорчилардан тозалаш операциясининг дастлабки куни давомида икки нафар босқинчи асир олинган. Қирғизистон ҳукумати хориждаги айрим сохта адолатпарварларнинг қўлга тушган жангариларга нисбатан ҳарбий асирларга бўлган каби муносабатда бўлиш талабини рад этди. Қирғизистон томони қўлга тушган жангарилар амалдаги тузумга қарши қўлда қурол билан жанг қилган жиноий тўда аъзоси сифатида жавобгарликка тортилишини маълум қилди.

* * *

Боткен воқеаларини ўз жойида кузатиб турган мутахассисларнинг фикрича, Қирғизистонга бостириб кирган жангарилар ортида бевосита Бирлашган тожик мухолифати турибди.

Тожикистонда яқинда ўтказилиши мўлжалланаётган парламент ва президент сайловлари олдидан Бирлашган тожик мухолифати халқаро майдонда обрўсини йўқотиб қўйишдан қочиб, ўз жангариларининг бир қисмини Қирғизистоннинг ҳарбий жиҳатдан деярли ҳимояланмаган Боткен тумани ҳудудларига ўтказиб юборган. Айни чоғда ҳам уларни моддий ва ҳарбий жиҳатдан таъминлаб турибди.

* * *

Бирлашган тожик мухолифатининг раҳбари Саид Абдулло Нурий Тожикистон шарқида - Қирғизистон билан туташ тоғларда Жума Намангоний ва унинг одамлари йўқ, деб баёнот берди. Унинг Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан учрашув пайтида айтишича, шу йилнинг август ойида мухолифат кучлари Тожикистон ҳарбий кучлари таркибига қўшилган пайтда Ж.Намангонийга қуролни топшириш ёки мамлакатни тарк этиш ҳақида талаб қўйилган. Шундан кейин Ж.Намангоний ва унинг одамлари Тожикистон ҳудудини тарк этган.

* * *

Қирғизистонга Тожикистон тарафдан бостириб кирган халқаро террорчилар қўлида тўққиз кун асирликда бўлган ўзбекистонлик алпинистларнинг айтишича, жангарилар уларни Тожикистоннинг Жирғатол туманидаги асосий базаларида сақлаб турган. Алпинистлар ўзлари турган жойларни юксак аниқликда тузилган харитага биноан белгилаган. Алпинистларнинг гапи Бирлашган тожик мухолифати раҳбариятининг Тожикистон ҳудудида Ж.Намангоний одамлари йўқ, деган гапини узил-кесил инкор этади.

* * *

Боткен туманининг юксак тоғлар бағрида жойлашган ва босқинчилар ўзларига қароргоҳ этиб олган қишлоқлари ҳаводан бомбардимон этилгач, ярадор бўлган жангарилар Тожикистоннинг Жирғатол тумани касалхоналарига жойлаштирилган. Бу ҳақда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасига Фарғонага ўтган тожикистонликлар хабар берган. Хабарларга қараганда, Жирғатол тумани аҳолиси жангарилар хатти-ҳаракатига норозилик билдирмоқда. Айрим қишлоқларга жангариларни қўймаслик ҳоллари ҳам учраган. Бироқ жирғатолликлар Боткенда фаолият кўрсатаётган террорчиларнинг тожикистонлик ҳомийлари тазйиқидан чўчигани учун ҳам уларнинг зулмига чидашга мажбур бўлмоқда.

* * *

Боткен туманида жойлашиб олган террорчиларнинг бир гуруҳи Чўн-Олой тумани ҳудудига ҳам ўтган эди. Ҳозир улар бу туман ҳудудидан бутунлай қувиб чиқарилган. Ҳарбийлар жангариларни Тожикистоннинг Жирғатол туманигача таъқиб этган. Жангарилар чегарадан ўтиб кетгандан сўнг таъқиб тўхтатилган. Бироқ босқинчилар чегара ортидан қирғизистонлик ҳарбийларга тез-тез ҳужум қилиб турибди. Яқинда бўлиб ўтган шундай отишма пайтида бир аскар ҳалок бўлган, иккинчиси оғир яраланган. Жирғатол ва унга қўшни ҳудудлар ҳамон Бирлашган тожик мухолифати назоратида турибди.

* * *

Бирлашган тожик мухолифатининг Тожикистондаги асосий таянч базалари тоғли Ғарм ва ундан ҳам тепароқдаги Жирғатол туманларида бўлгани маълум. Ҳукумат қўшинлари эса ҳозир ҳам бу туманлар ҳудудига ўтолмайди. Оғизда тинчлик ва демократия талаби билан чиқаётган тожик мухолифатининг қайсарлиги айниқса Қирғизистон ҳарбийларига ортиқча ташвиш туғдирмоқда. Босқинчиларни қуршовдан чиқармаслик учун қирғиз ҳарбийлари тоғларга десант туширди ва Тожикистон билан чегараларни бир томонлама ёпишга мажбур бўлди.

(ЎзА)

КУРАШНИ КИМЛАР ДАВОМ ЭТТИРАДИ?

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида 26 мамлакатдан 80 нафар спортчи иштирокида Ўзбекистон Президенти кубоги учун Халқаро теннис мусобақасининг биринчи давра учрашувлари бўлиб ўтди.

Яккама-якка беллашувда арманистонлик Саркис Саркисянц, германиялик Николас Кифер, швейцариялик Иво Хойбергер, Марк Россе ва Жорж Бастл, АҚШдан Мамит Сесил, таиландлик Ширичапан ғалаба қозондилар.

Жуфт-жуфт бўлиб беллашувда швейцариялик Лоренсо Манто билан АҚШлик теннисчи Марк Кейл, россиялик Марат Сафин билан беларуслик Владимир Волчков, швейцариялик Рожер Федерер билан голландиялик Сандер Гроен навбатдаги даврада курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ ТЕННИСЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкентда, Миллий Олимпия қўмитасида спорт устозлари учун очилган семинар халқаро тоифадаги теннисчиларни тайёрлашнинг замонавий ва самарали усулларига бағишланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан спорт устозлари иштирок этмоқда.

Семинар ташкилотчилари - Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон теннис федерацияси Халқаро теннис федерацияси мутахассислари иштирокида кўп қиррали дастурни ишлаб чиқди, унда машқ жараёнини режалаштириш ва бошқариш, маркетинг, бозор муносабатларига ўтиш шароитида теннисни ривожлантириш ва тарғиб қилишнинг долзарб муаммолари юзасидан туркум лекциялар ўтказиш режалаштирилган.

Спорт устозлари билан амалий машғулотлар «Юнусобод» спорт мажмуининг теннис кортларида ўтказилади.

- Мен Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида Олег Огородов, Вадим Куценко ва Ирода Тўлаганова каби жаҳонга танилган теннисчиларни тарбиялаб етиштирган спорт устозлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман,- деди Халқаро теннис федерацияси тренерлар комиссиясининг аъзоси Френк Злесак. - Уларни жаҳоннинг машҳур мутахассислари тажрибаси билан таништира олишимдан, мамлакатингиздаги Халқаро теннис федерацияси экспертлари, «Президент кубоги» мусобақаларида қатнашган машҳур спортчилар юқори баҳо берган теннис кортларини кўришимдан хурсандман.

(ЎзА)

Ижтимоий ҳимоя

ҚАНИЙДИ ҲАММА УЛАРГА ЎХШАСА

Тошкентдаги болалар дунёси растаси олдида нафасни ростлаб дам олиб турсам, бир аёл, кўринишидан элликлардан ошган, менга синчков разм солди. Мен кўлтиқ таёкка бир оз энгашган ҳолда тираниб турардим.

- Э, Сайёрахон, нима десам экан, яхши. У ерда дам олиб даволаниб келдим, шу десангиз, бу туз деганлари кишини қийнар экан-да. Ҳозир анча яхшиман.

- Эҳ, иним-эй, сиз ҳам менинг чолимдек ногирон экансиз. Илоҳим Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин. Шу десангиз, чолим бояқиш, биринчи гуруҳ уруш ногирони, доим: «Сизларга тириктовон бўлиб қолдим, қўлимдан бирон-бир иш келмаса...», дея зорланардилар. Мен бўлсам, э дадаси, бунисига бисёр шукр, азиз бошингиз омон, фарзандларимиз ақлли-хушли, меҳрибон. Сиз бизнинг давлатимизсиз. Хонадонимиз файзи сиз билан, дейман.

Бу аёлнинг сўзларини эшитиб бутунлай ҳордиқим чиқиб, руҳан енгиллашиб кетгандай ҳис қилгандим ўзимни. Икки оғиз ширин сўз оламни яшнатади гўё. Ҳа, ўзбек аёли дил рўшнолиги, хонадоннинг нурафшонлигидир, деган фикр хаёлимдан ўтди...

Шу пайт ёнимга келиб тўхтаган машина ойнасидан менга қараб жилмайиб турган таниш аёлга кўзим тушди,

- Ака, ассалому алайкум, ўтиринг, агар уйга кетаётган бўлсангиз, ола кетайлик, - деди.

Мен иккиланиб машинага ўтирдим.

- Сайёрахон, қалайсиз, саломатмисиз. Лекин зап иш бўлди-да. Аксига олиб троллейбусни кўрмайсизми, анча бўлиб қолди, келмай турган эди.

- Ўзингиз қалайсиз, «Қариялар оромгоҳи»да яхши дам олиб келдингизми?

Сайёрахон Шайҳонтоҳур тумани Ижтимоий таъминот бўлимида мудира. Мен эллик йилдан бери ногиронман, бошқа мудираларни ҳам кўрганман. Қай бир пайтлари «Ижтимоий таъминот соҳасида ишловчилар инсонпарвар, саҳоватпеша, меҳридарё инсонлар бўлиши керак-да», деган хаёлга борган пайтларим ҳам бўлган. Бу аёл худди мен тасаввур қилган ходима, кишининг дардини ҳис қила оладиган инсон. Аслини олганда машинани тўхтатмай, ўтиб кетаверса, бўларди-ку! Бундай меҳрибонликни ҳар ким ҳам қилавермайди.

Мен уруш ногиронларига тенглашмаган ҳарбий хизмат ногиронман. Меҳнат фахрийси бўларди-ку ўзимни тўла қонли фахрий ҳисоблай олмас эдим. Мустақиллигимиз туфайли 1941-45 йиллари уруш ортида меҳнат қилганлар ,Оллоҳга шукурлар бўлсинки, уруш фахрийлари қаторидан ўрин олдик. Бу борада ҳам ижтимоий таъминот бўлими ходимлари тезкорлик билан иш юритишиб, мен меҳнат қилган корхонага боришиб, гувоҳларнинг тасдиғига эга бўлишди. Бизларга керакли ёрдамларини аямадилар.

Кейинги йиллари тақдир тақозоси билан тўшакка михланиб қолиб, ижтимоий таъминот ходимларининг нақадар жонкуяр инсонлар эканлигини яққол кўрдим. Мудира Сайёра Фотихова ҳамда Зинаида Кораблёваларнинг уйимга келиб, ҳолимдан хабар олишлари, ногиронлик аравачаси бериб бошқа қулайликлар яратишдаги жонбозликлари бизларни қувонтирмоқда.

Яна бир ходима тўғрисида жон-дилдан сўзлагим келади. Бу аёл - юрист-ҳуқуқшунос Малика Саидаъламова. Ногиронларга бериладиган имтиёзлар, нафақага қўшиладиган қўшимчалар, хуллас, қайси бир масалада мурожаат қилманг, ширинсуханлик ва одамохунлик билан жавоб қилади, маслаҳатларини аямайди.

Биз ногиронларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлардан ҳукуматимиз ва жойлардаги хизмат қилаётган ижтимоий таъминот ходимларидан миннатдормиз.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
1-гуруҳ ногирони,
Шайхонтоҳур тумани.

«ЖИЗЗАХ МАРКЕТ» ИШ БОШЛАДИ

Юртимизнинг барча вилоят ва туманларида республикамиз мустақиллигининг 8 йиллиги тантанали нишонланди. Халқимизда яхши бир анъана бор: бу тўйга тўёна қилиш. Кейинги пайтларда ана шу одат янада оммавийлашиб бормоқда. Очиғини айтганда, халқимиз истиқлол байрамини «тўйёна» билан қаршилашга одатланди. Бу, айниқса, давлат аҳамиятига молик бўлган жабҳаларда, фан ва маданиятда, улкан бунёдкорлик ишларида намоён бўляпти.

Жиззахликлар ҳам бу йил истиқлол байрамини катта «тўёна»лар билан кутиб олдилар. Айниқса, бу борада бунёдкорларнинг хизматлари беқиёс. Улар байрамга туҳфа тариқасида бир қатор иншоотларни, 1 та коллеж, дам олиш маскани ҳамда шаҳар марказида «Жиззах Маркет»ни фойдаланишга топширдилар.

Фаолият кўрсата бошлаган ушбу савдо маркази қурилишига 62,5 миллион сўм маблағ харажат қилинди. Бу хайрли ишда «Жиззахматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига «Ўзматлуботсавдо» компанияси ҳар жиҳатдан катта ёрдам кўрсатди. Янги Маркет Эрон ва Туркиядан келтирилган савдо расталари ва совутгичлари билан жиҳозланди. Унда харидорлар учун бар ҳам мавжуд.

«Жиззах Маркет»нинг барпо этилиши нафақат шаҳар кўркига кўрк қўшиб қолмасдан, балки харидорларга ҳам қулайлик яратди.

Суратларда: 1. Жиззах шаҳрида иш бошлаган «Жиззах Маркет»нинг умумий кўриниши.

2. Маркетнинг савдо расталари .

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ислоҳот мевалари

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИЛАР

«Бухоро ипаги» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўз касбининг усталарини қўплаб учратдик. Уларнинг меҳнатсеварлиги, жонбозлиги туфайли корхона қисқа вақт мобайнида туб бурилишга юз тутди. Хўш, бундай ижобий ўзгаришларга туртки бўлган асосий омиллар нималардан иборат?

Ўтган йилнинг августида корхона инқирозга юз тутай деб қолган, газ, электр энергия, сувдан фойдаланиш ва бошқа идора, ташкилотлардан 6 миллион сўмдан зиёдроқ қарзи бор эди. Қозонхона, дастгоҳлар таъмирланмаган, энг нохуш воқеа- жамоа аъзолари ойлик маошларини беришга қўл қисқалик қилаётганди. Худди ана шундай ноқулай вазиятда жамиятга Бешимжон Тилавов раис этиб тайинланди. Ўзингизга маълум: янги раҳбар келгач, унинг атрофида маслаҳатчилар кўпайиб қолади. Ана шундайлардан бир нечтаси «Вазирликка бориб ночор аҳволни тушунтир, кредитга пул сўра, акс ҳолда корхонани ўнглаш сари йўналтириб бўлмайди» деб туриб олишди. Тўй маслаҳатсиз ўтмайди, дейишади. Бу - тўғри. Лекин кирим-чиқимни ҳеч ким тўй соҳибидек пухта билмайди. Шу боис ҳам охирги, ҳал қилувчи сўзни албатта у айтиши лозим. Корхона мисолида ҳам худди шундай бўлди. Раис маслаҳатгўйларга сиртида миннатдорлик билдирган бўлди-ю, ичида эса бошқа режа тузиб қўйди. У қандай режа эди? Аввало корхонадаги аҳволни чуқур таҳлил этиш орқали вазиятга аниқ, тўғри баҳо бериш заруратини англамоқ лозим эди. Шу ишлар амалга оширилгач, энг муҳим режалар ҳаётга татбиқ этила бошланди: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан ишчи ресурслари кўп эди - бу жиҳат тартибга келтирилди. Таъмирталаб дастгоҳлар қисқа муддатда созланиб ишга туширилди. Сифатли маҳсулотлар кўпайтирилиши, ҳаражатлар кескин камайтирилиши ҳисобига тушум миқдори ошди. Шу ўринда ҳаражатни камайтиришга оид бир мисолни келтириб ўтиш жоиз. Аввал қозонхона вазифасини ўтаган бино бузиб ташланиши ва ўрнига янги цех барпо этилиши лозим эди.

Раҳбар бу масалада ҳам «Янгисини қурмасдан, эскисини бузма» деган ақидага амал қилди. Тўғри-да, гарчанд бино эски бўлсада, аммо пишиқ ғиштдан тиклангани учун ҳали бақувват эди. У яхшилаб таъмирланди. Қарабсизки, цех тайёр, харажатлар бир неча баробар тежаб қолинди.

Амалдаги йилнинг биринчи чорагига келиб бир ишчининг ўртача ойлик маоши 7 минг сўмдан ошди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5-5 минг сўм кўп, демакдир. Лекин бу кўрсаткич чегара эмас, ойдан-ойга яхшиланиб бориши кўзда тутилган.

Маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда олиб борган саъй-ҳаракатлари туфайли ишчи-хизматчиларнинг ишлаш, дам олиш, даволаниш шароитларида анча ўзгаришлар кўзга ташланди. Зарарли цехларда ишловчиларга бепул овқат берилиши йўлга қўйилди. Қарс икки қўлдан деганларидек, яратиб берилаётган маданий, маиший ва иқтисодий шароитлар эвазига жамоа аъзолари ишлаб чиқариш суръатларини оширириш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан жавоб бердилар. Пировард натижа жамият раиси ўйлагандек бўлди: корхона 6 миллион сўмдан ошиқ қарзидан қутилди. Ипак хом ашёси ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи чорагига қиёсланганда қарийб 3,5 бараварга кўпайди ёки режа 340,7 фоиз бажарилди. Бухоро ипаги тизимда энг яхши маҳсулотлардан бири сифатида тан олинди.

Бу ерда гап маҳсулот кўрсаткичларидаги кескин ўзгаришлар тўғрисида кетаяпти, деб тушунишлик унча тўғри бўлмайди. Бу ўринда энг муҳим жиҳат жамоа аъзолари ўз меҳнатларига яраша қадр топаётгани, моддий ва маънавий тақдирланаётгани, ижтимоий ҳимояга олинаётгани масаласидадир.

- Ишончим комилки, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳабиба Ашрапова, - қаерда меҳнат шароити яхши ташкил қилинган, ишловчиларга энг асосий қулайликлар яратилган бўлса, шу ерда кўнгилдагидек самарага эришиш мумкин. Биз ҳам ана шу мақсад йўлида изланаяпмиз. Ҳозирги кунда корхонамизда ишлаб турган клуб, ошхона, спорт зали, соғломлаштириш пункти фаолиятидан шикоят тушганича йўқ. 250 нафар ишчимиз тикув фабрикаси соғломлаштириш масканида бепул дам олиши таъминланди. Шу ерда узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққан 350 нафар фахрийларимизга баҳоли қудрат моддий ёрдам бердик. Новвойхонамизда анча арзон нон ёпилаётганидан кўпчилик мамнун. Улар уйларига ҳам нонни шу ердан харид қилишмоқда...

Буларнинг ҳаммаси ҳозирча ҳамир учидан патирдир. Жамият раҳбарининг таъкидлашича, янги тўртта линия ишга туширилгач, тайёр маҳсулот ҳам шу ернинг ўзидан чиқа бошлайди. Қўшимча ишчи ўринлари яратилади. Демакки, ишловчилар ижтимоий ҳимоясига эътибор янада кучайтирилади...

Кузатувларимиздан шундай хулосага келдикки, корхонага янада кенгроқ ва тўлароқ эркинлик, мустақиллик бериш лозимга ўхшайди. башарти, шундай имконият берилган тақдирда жамият омборларида маҳсулот узоқ вақт туриб қолмаган, бинобарин, пиллакор, деҳқон ҳам пешона тери учун ўз муддатида ҳаққини олган бўлур эди. Масалан, ўтган йилги етиштирилган ҳосил учун 9 ойдан сўнг ҳисоб-китоб қилинди. Чунки тегишли вазирлик корхона манфаатларига мос келадиган тарзда хом ашёни сотишга розилик бермаганди.

Эндиликда бундай камчиликлар барҳам топмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ,
Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбирлари.

ЁШЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Хатирчи туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган даври мобайнида моддий ёрдамга муҳтож оилаларга 304 минг 400 сўм, боқувчисини йўқотган ногирон болалар учун 410 минг сўм ёрдам пули ажратилди, ишловчиларга 266 минг 400 сўм мукофот пули берилди, спорт ишлари учун эса қарийб бир миллион сўм сарфланди.

Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бақувват, баркамол кишилар қилиб тарбиялаш доимий эътиборда бўлмоқда. Шунинг учун ёзги дам олиш оромгоҳларида 300 ўқувчи яйраб, мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Ана шу хайрли мақсад учун сарфланган маблағ 2 миллион 358 минг сўмни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида меҳнаткашлардан ишга жойлаштириш юзасидан 3 та ариза тушган эди. Уларнинг ҳар уччаласи ҳам қаноатлантирилди. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида бу борада қилинаётган ишлар етарли эмас, - дейди қўмита раиси Шуҳрат Тўраев,- қишлоқда - рақобатбардош янги кичик корхоналар ташкил этиш, ишловчиларга янгича билим бериш, уларда кўникма ва малака шакллашишига кўмаклашиш касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янги изга кўчиришни тақозо этмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма ҳаёти: шифокор ҳақ-ҳуқуқи ҳимояда

ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Жиззах шаҳар марказий шифохона бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибида 17 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, ўз сафларига 1110 дан зиёд касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган. Жойларда меҳнат қонунлари, Президент Фармони, ҳукумат, юқори ташкилотлар қарорлари ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Марказий шифохона, унинг таркибидаги даволаш-профилактика муассасаларида катта ўзгаришлар юз берди.

Шаҳар аҳолисига тиббий хизматни янада яхшилаш, такомиллаштириш, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш мақсадида шаҳардаги 5, 6, 7, 8-табобатхоналарда тиббий хизматнинг уй стационарлари ташкил этилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилоят филиали ташкил қилиниши муносабати билан шаҳар «тез тиббий ёрдам» маркази билан биргаликда унинг таркибига ўтди. Режали жарроҳлик хизмати ташкил этилди. 10 ўринли кардиология маркази, шунингдек, 1-болалар шифохонаси ва 1-шифохонада пуллик хизматлар ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Муассасалар янги асбоб-ускуналар билан таъминланиб, ходимларга меҳнат шароити бирмунча яхшиланди. Ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши ўтган йили 3076 сўм бўлган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида 4398 сўмни ташкил этди. Бу жамоа шартномаларининг бандлари бажарилаётгани самарасидир.

Касаба уюшма қўмитамиз айниқса, касаба уюшма аъзоларининг ёзма, оғзаки мурожаатларига ҳамиша диққат-эътибор билан қараб келади. Касаба уюшма аъзолари Нодира Тўраева, Замира Самандаровалар қўмитага қилган мурожаатларидан сўнг 2-шифохона маъмурияти томонидан ноқонуний ишдан бўшатилганлиги сабабли ўз вазифаларига тикланишди. Шу шифохона ходимларига тунги навбатчиликда турганлари учун 50 фоиз қўшимча ҳақ тўланиши масаласи касаба уюшма қўмитаси аралашувидан сўнг ижобий ҳал этилди. «Тез тиббий ёрдам» автохўжалиги ҳайдовчиси С.Мустафоевга ишлатилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация ундириб берилди. «Сайҳон» соғломлаштириш маркази қоровули штати 0,5 ҳиссага камайтирилгани ҳақида Ш.Каримов мурожаатини ўрганиб чиқиб, унинг оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда (8 нафар вояга етмаган фарзанди бор, оилада бир ўзи ишлайди) 0,5 ҳисса ўриндошлик ставкаси тикланди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларимизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ошкоралик руҳида ўтди. Уларда 52 касаба уюшма аъзоси сўзга чиқди. 3 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси биринчи бор сайланди.

Анзират ЭГАМОВА,
Жиззах шаҳар марказий шифохонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

Божхона хизмати хабарлари

Мамлакатимиз иктисодий хавфсизлигини таъминлаб, давлат бюджетини маблағ билан бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Фарғона вилояти божхона бошқармаси шахсий таркиби товар-моддий бойликлари божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда ҳаракатланишининг олдини олишда алоҳида ўрнак кўрсатишаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари ичида фарғоналик божхоначилар давлатга 697 млн. 450 минг сўмдан ортиқ даромад келтирдилар. Божхона қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ мингдан зиёд ҳолатлар аниқланди ва бундай хатти-ҳаракатни содир этган фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўлланилди. Шу вакт ичида умумий қиймати 71 млн. 126 минг сўмлик ноқонуний товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди ёки 904 нафар ҳукукбузарга нисбатан 29 млн. 179 минг сўмлик жарима солинди.

Лекин, афсуски, олиб борилаётган тушунтириш ишларига карамай, ҳамон божхона қонунчилигининг бузилиши кайд этилмокда. Бундай ҳолатларни содир этаётган шахслар ўзларинигина оғир ахволга солиб кўяётганлари етмай, оилалари бюджетига хам жиддий зарар етказаётганларини ўйлацмаяпти. Натижада чув тушишиб, бошлари хам бўлиб колишяпти.

АЁЛ ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРСА...

Фарғона вилояти 5-сонли «Андархон» божхона маскани ходимлари чегара орқали товар-моддий бойликларнинг ноқонуний ҳаракатланишининг олдини олишди. Биргина шу йилнинг етти ойи мобайнида юздан зиёд ноқонуний ҳолатлар аниқланди. Саккиз миллион 441 минг 632 сўмлик қийматдаги товарлар давлат фойдасига мусодара қилинди ва қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, уларга жарималар солинди. Шунингдек, яқинда маскан ходимлари Бешариқ тумани ҳудудидаги айланма йўлларни назорат қилиб юришганда, уларга Тожикистон Республикасидан кириб келаётган Москвич-412 русумли, давлат белгиси Г 85-45 ФЕ енгил автомашинаси шубҳали туюлди. Автомашина тўхтатилиб текширилганда, гумонлар ўринли бўлиб чиқди. Унинг ичи тиббиёт дори-дармонлари билан лиқ тўла экан.

Олиб борилган дастлабки суриштирув ишлари давомида умумий қиймати 21 млн. 960 минг Россия рублига тенг бўлган 122 та қутидаги 24 минг 400 дона бензилпенциллин натрийни Тожикистон Республикасининг Конибодом шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 35 ёшли Анора Бобожонова рухсатномасиз ва ҳеч қандай ҳужжатларсиз Ўзбекистонга олиб келаётганида қўлга тушди.

Вилоят божхона бошқармасининг навбатчилик қисмида сақланаётган божхона қонунчилигининг бузилиши ҳолатларини рўйхатга олиш журналида ўтган йили ҳам Анорани қонун бузганлиги ва тегишли чоралар кўлланилгани ҳақида қайдлар бор. Лекин бу аёлнинг ҳалигача қилган ишидан тегишли хулоса чиқариб олмагани кишини ажаблантиради.

Юқоридаги ҳолат юзасидан масканга зудлик билан етиб келган вилоят божхона бошқармасининг суриштирув бўлими катта нозири, божхона хизмати майори Анваржон Рўзматов вазиятни обдон ўрганиб, Анорани ҳаракатида жиноят аломатлари борлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди ва барча ҳужжатлар Бешариқ тумани Ички ишлар бўлимига юборилди.

«ТИЖОРАТЧИ» ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Биз ҳамиша оналаримизни, аёлларни фаришта мисол кўриб, уларни эъзозлаймиз, ҳурматини жойига қўямиз. Зеро, она - бу яратувчи зотдир. Шу боис, оналар олдида доимо қарздормиз. Уларнинг босган қадамларини кўзимизга тўтиё қиламиз.

Бироқ, бугун биз қаламга олаётган аёл...

Келинг, масаланинг индаллосига кўчиб қўяқолайлик. Фарғона тайёрагоҳида дунёнинг кўплаб мамлакатларига бориб келиш имкониятлари яратилган. Тижорат билан борувчилар орасида шахсий манфаат деб, қонун бузилиш ҳолатини содир этадиганлар ҳам йўқ эмас. Яқинда тайёрагоҳда жойлашган вилоят божхона бошқармасининг 1-сонли «Аэропорт» божхона маскани хавфсизлик хизмати ходимлари 4973-рейс билан учадиган самолётга чиқадиган йўловчиларни божхона назоратидан ўтказаётганларида, бир йўловчи аёл негадир шубҳали туюлди. Унда безовталаниш бор эди. Ҳаракатлари эса бежо.

Аёлни алоҳида хонага олиб кириб, шахсий кўрикдан ўтказилганида масала ойдинлашди. Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Гулсасак Светланова Қозон шаҳрига Т-6 божхона декларациясида кўрсатмаган ҳолда қиймати 14 минг 928 сўмлик уч дона аёллар қимматбаҳо балдоғи, бир дона аёллар ва бир дона эркаклар узуги, 350 АҚШ доллари ва 380 Россия рублини ички кийимларига яширган ҳолда олиб кетмоқчи бўлган экан.

Ушбу ҳолат юзасидан юритилган ҳужжатлар яқинда Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилди. Г.Светлановага тегишли бўлган юқоридаги қимматбаҳо бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди ва ҳуқуқбузар жарима билан «сийланди».

«ОҚ АЖАЛ» ХАРИДОРИНИ ТОПМАДИ

Маълумки, дунё ҳамжамияти «оқ ажал» - наркотик моддаларга қарши изчил кураш олиб бормоқда. Бу курашда миллати, ирқи ва касбкоридан қатъи назар, барча фаол қатнашмоғи керак. Бу борада ўтказилаётган кенг кўламдаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Фарғона вилояти миллий хавфсизлик хизмати ва божхона бошқармаси ходимларининг олинган маълумот асосида ўтказган навбатдаги тадбирлари натижасида яқинда икки нафар тожикистонлик ва тўрт нафар ўзбекистонлик фуқаролар бир килограмм «героин» наркотик моддасининг олди-сотдиси билан шуғулланаётганларида Қўқон шаҳрида қўлга олиндилар.

Ҳозир ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ.

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Инсон кўнгли гулдек нозик

МЕҲРГА МУҲТОЖЛАР

Ориф ака ичини алланарса тирнайди, ўрнидан даст туриб кўчага чиққиси, тўй-маъракаларда дўстлари даврасига қўшилгиси келади. Бироқ бунинг иложи йўқ. Чунки ўнг оёғидан ажралган. Етти йилдирки, фасллар ўзгаришини у дераза ойнаси орқали кузатади.

Ориф Олимов Қавардон қишлоғида етимликда ўсди. Далада тер тўкиб меҳнат қилди. Уйланди, олти нафар фарзандга ота бўлди. Аҳёнаҳёнда ўнг оёғи оғриб қолса: «Бироз шамоллаган бўлса керак», дея даладан бери келмай юраверди. Охири бўлмади, уйи ёнидаги болалар боғчасига қоровул бўлиб ишга жойлашди. Шу орада фалокат рўй берди. Дастлаб ҳарбий хизматдан келган Мажлимбой исмли суқсурдай ўғли касалликка чалиниб вафот этди. Фарзанд доғида куйган Тўхта опа ҳам бу дунёдан кўз юмди. Боласи ва турмуш ўртоғидан жудо бўлган Ориф ака оғир касалликка дучор бўлди. Ўғли Равшан отасини олиб бормаган табиб ҳам, шифохона ҳам қолмади. Фойдаси тегмади. Шифокорлар унинг оёғидаги касалликни аниқлай олишмади.

Ниҳоят 1992 йилда Юқори чирчиқ туман марказий шифохонасида унинг ўнг оёғини кесиб ташлашди.

Ҳаётнинг кетма-кет аёвсиз зарбасига учраган Ориф ака шифохонада беш ой ётиб даволангач, она қишлоғига қўлтиқ таёқ билан кириб келди.

Кунлардан бир кун у уйида ҳеч ким йўқ пайтида қўлтиқ таёқ билан ташқарига чиқаётганда беҳосдан айвон зинасидан йиқилиб тушди. Шундан бери Ориф ака қўлтиқ таёқ билан юришга ҳам юраги бетламай қолган.

- Мен каби ногиронларга давлатимиз томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётганлигини ойнаи жаҳон орқали кўриб, хурсанд бўлаяпман, - дейди Ориф ака. - Мен ҳам кўчага чиқсам, қишлоқ тўй-маъракаларида тенгдош дўстларим даврасига қўшилсам, дея кўпдан бери орзу қилардим. Худога минг қатла шукрки, туманимиз раҳбарлари менга ногиронлар аравачасини бепул тақдим этишди.

Ориф ака сингари ногиронларни ҳамиша йўқлаб туришимиз, бир оғиз ширин сўзимиз билан бўлса-да, кўнгилларини кўтаришимиз лозим. Чунки, улар сиз ва бизнинг меҳр-мурувватимизга муҳтождирлар.

Латифжон МАНСУРОВ,
Тошкент вилояти.

Газетхон .... хабар беради

ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

Оққўрғон тумани меҳнат бўлими ходимлари аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни ўқув юртларига юбориш, ишчи ўринларини ташкил этиш, шогирдлик шохобчаларини очиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Йил бошидан бери жойлардаги мутасадди ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар билан ҳамкорликда 656 нафар киши ишга жойлаштирилди. Янгидан 215 иш ўринлари ташкил этилди.

— Ходимларимиз марказда ўтириб олиб, телефон орқали бўш иш ўринларини излашга барҳам беришди, - дейди Туман меҳнат бўлими бошлиғи Олимжон Мустафоев. - Улар бевосита жойларнинг ўзида, меҳнат нозирларимиз билан ҳамкорликда бўш иш ўринларини аниқлашмоқда, янги иш ўринларини очиш имкониятларини қидириб топишмоқда. Биргина ўтган ойда 31 нафар ёшлардан устоз - шогирд гуруҳи ташкил этилиб, 13 нафари биолаборантлик, 13 нафари тикувчилик, 5 нафари ҳар хил ҳунарларни эгаллашди. Уларнинг ҳаммаси ўз касблари бўйича ишга жойлаштирилди. Шунингдек, меҳнат бўлимига йил бошидан бери 1086 нафар фуқаро мурожаат қилди ва 501 нафар ишсизлар рўйхатга олинди.

Яқинда Олимкент қўрғонида туман меҳнат бўлими бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди. Бу ерда ишсизлар билан бевосита мулоқот бўлди. Уларга 81 иш ўринлари таклиф қилинди. Қўрғоннинг 20 нафардан ортиқ фуқароси ишга жойлаштирилди, беш нафар ёшлар устоз - шогирд гуруҳига қабул қилинди, 85 нафар фуқарога юридик маслаҳатлар берилди. «Меҳнат қилиб топганинг - қанду - асал тотганинг» шиори остида ўтказилган меҳнат ярмаркаси бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

...Таклиф киритади

АЛОҲИДА БЎЛИМ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Мен нефть соҳасида 22 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқдаман. Ҳар қалай иссиқ жон, бетобланиб даво истаб Чортоқ марказий шифохонасига ётишимга тўғри келди. Аммо мазкур шифохонанинг ички касалликлар бўлимида асаб касалликларига чалинганлар ҳам даволанар экан. Қолаверса, улар учун тўрт хона ажратилган бўлиб, ҳар бирида 5 нафардан киши даволанаётир.

Шу ўринда бир фикрни айтишни истардим. Яъни Чортоқ шаҳри каттагина, аҳолиси ҳам кўп. Шундай бўлгач, алоҳида асаб касалликларини даволовчи бўлим ташкил этилса айни муддао бўлар эди.

Носиржон ТЎЛАБОЕВ,
Чортоқ шаҳри.

Уйчи туманида Нишонбой Отамирзаевни танимайдиган киши топилмаса керак. Чунки, у аҳолининг меҳрга, мададга муҳтож табақаси бўлмиш ногиронлар оғирини енгил қилишдек шарафли ва эзгу ишга бош-қош.

- Туманимизда Ногиронлар жамияти ташкил қилинганига олти йил бўляпти, дейди Н.Отамирзаев, - лекин шу қисқа вақт ичида қанчадан-қанча саховатга ташна қалбларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатдик.

Ҳозир туманда тўрт минг нафар ногирон истиқомат қилади. Бу тоифа инсонлар мушкулини осон қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳа туман Ногиронлар жамияти ўз маблағига эга бўлиш мақсадида кичик корхоналар очишга ҳаракат қиляпти. Бевосита туман ҳокимлиги ёрдами билан шу ҳудуддаги 25 ташкилот ҳамда корхоналар моддий кўмак тариқасида жамиятга пул ўтказиб туришади. Фикримизнинг исботи сифатида жорий йилнинг олти ойи мобайнида тумандаги 16 ташкилот томонидан ногиронлар учун 160.158 сўм хайр-эҳсон кўрсатилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

САҲОВАТ

Ногиронлар орасида қобилиятли, билимга чанқоқ ёшлар кўп. Шунинг учун ҳам уларни ўқитиш, касбга ўргатиш, соғлиқларини тиклаш муҳим масала. Шуни ҳисобга олган ҳолда жамият жорий йилда 11 нафар ногиронни олий ва ўрта махсус билим юртларига кириб ўқишлари учун кўмак берди. Бундан ташқари «Чортоқ» болалар дам олиш сиҳатгоҳида 25 нафар ўсмир даволанди. Вилоятдаги турли шифохоналарда, «Умид» тиббий реабилитация марказида 20 нафар ногирон саломатлигини қайта тиклади.

- Уйчи туман Ногиронлар жамияти намунали бўлимларимиздан, - дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Содиқ Убайдуллаев. - Чунки, унинг раҳбари ҳар сафар пойтахтга келганида кимнидир касалхонага ётқизган бўлади ёки кимнидир ўқишга киритиш ҳаракатида юради.

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Шундай экан, Нишонбой акага ўхшаб яхшиликка, эзгуликка интилиб яшашга нима етсин!

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

...Танқид қилади

ГАЗГА ҚАЧОН ЁЛЧИЙМИЗ?

Мабодо ушбу саволни Деҳқонобод туманидаги Эргаш Абдуллаев номли мактаб ўқитувчилари эшитиб қолгудек бўлсалар дилидаги дарду-ҳасратлари тилларига кўча қолади. Воқеанинг тафсилоти эса қуйидагича: Мактаб ўқитувчиларининг моддий турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қатор имтиёзлар белгилаб қўйилганидан беҳад мамнунмиз.

Аммо бир нарсадан кўнглимиз хижил.

1997 йилдан буён мактабимиз педагоглари жамоасига кўмир берилмаяпти. Икки йилдирки, баллонли газ ҳам тушимизга кирмайдиган бўлиб қолди. Ахир, табиий газни етказиб берадиган Шўртангаз конидан 60 чақиримча узоқликда яшаётган бўлсак-да, бўзчи белбоққа ёлчимаганидек, биз деҳқонободлик муаллимлар «зангори олов»дан бебаҳра қолишимиз адолатсизлик эмасми? Билмадик, ўқитувчиларга баллонли газ етказиб беришдаги узилишлар қачонгача давом этаркин?

Бу ҳақда туман газлаштириш идораси бошлиғи Соҳиб Самадовга такрор-такрор мурожаат қилавериб, бирон натижа чиқаролмадик. У мавжуд имкониятларни излаш ўрнига ўтиш даврида вақтинчалик юз бериб турган иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб тарози тош босмайдиган баҳоналарни қалаштириб ташлашдан нарига ўтмаётир.

Ўқитувчилар иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қўшимча рағбатлантириш ҳақида 1995 йилда чиқарилган Президент Фармонидан хабаримиз бор. Минг афсуски, мактабимиз педагогларидан бирортаси ҳанузгача мукофот пули олган эмас. Хуллас...

Ҳурматли таҳририят!

Инкор этиб бўлмас ҳақиқатдан иборат мазкур мадатталаб мактубда кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал этилишида одилона ёрдам берасизлар, деб умид қиламиз.

Парда ҲАКИМОВ,
Деҳқонобод туманидаги
Эргаш Абдуллаев номли
мактаб ўқитувчиси.

Оқ йўл тилайди

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Кампирнинг сигир олгиси бору, пули эчкига етади холос, деган гап юради. Шунга ўхшаб, Андижон шаҳридаги маҳаллалардан бирида яшовчи тўрт жўранинг ҳар бири «Дамас» машинасини олмоқчи, киракашлик қилмоқчи эди-ю, лекин пули етмасди.

Жўралар ўйлаб-ўйлаб, бор-бисотларини йиғдилар-да, энг кўп ҳисса қўшган йигит номига машина сотиб олдилар. «Дамас» тушмагур омадли чиқиб қолди, қисқа вақт ичида ўз харажатларини қоплабгина қолмай, ҳар ой ҳисобидан 60 минг сўм даромад ҳам келтира бошлади.

Йигитлар ана шу даромад ҳисобига яна бир «Дамас» сотиб олишди. Бунисининг ҳам оёғи ергил экан: ҳар куни йўловчилардан жарақ-жарақ пул тушиб туради.

- Бугун-эрта учинчи жўрамиз ҳам «Дамас»ли бўлади, йилнинг охирига тўрттовимиз ҳам ўз машиналаримизга эга бўламиз,- дейди Одилжон Эгамов.

Омадингизни берсин, ҳамкору- ҳамфикр тадбиркорлар!

М.АБДУКАРИМОВ
Андижон.

Миннатдорчилик билдиради

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Менинг опам Давронова Гулнора Самарқанд вилояти Пайшанба шаҳрида яшайди, 4 фарзанднинг онаси. Шаҳар халқ таълими бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлайди.

24-август куни бахтсиз ҳодиса рўй берди - опамни трактор уриб кетди. Тезда Пайшанба шаҳар шифохонасига олиб келинганда, унинг яшашига умид йўқ эди: Опам беҳуш ётар - унинг бош, елка ,ва қовурға суяклари синган эди.

Жарроҳлик бўлимининг қўли енгил шифокорларидан Убайдулло Алимов, Алишер Тошмаматов ва Холидахон Алимовалар энг зарур ёрдамни кўрсатишди. Аллоҳга минг қатра шукрки, улар ўз вақтида малакали ёрдам берганликлари сабабли опам тирик қолди.

Мен уларга оиламиз аъзолари, яқинларимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдирар эканман, ишлари доим бароридан келишини, ҳамиша ҳаммадан дуо олиб юришларини истардим.

Фотима ПЎЛАТОВА,
Тошкент шаҳри.

...Таҳлил этади

ИМКОНИЯТ ҲАР ЕРДА БОР

Яккабоғ туманидаги «Турнабулоқ» жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси мудирлигига тадбиркор Қодир Ҳўжаёров тайинлангач ишлар юришиб кетди. Молларни зооветеринария талаблари асосида парвариш қилиш, ширали емиш билан озиқлантириш йўлга қўйилди. Натижада 50 бош соғин сигирнинг маҳсулдорлиги анча ошди. Яъни соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан қарийб 1.5 тонна кўп бўлди - 36 тонна сут давлатга топширилди. Бу муваффақиятга молбоқарлардан Тўра Абдиев, Орзигул Ҳакимова, Каромат Холдоровалар муносиб ҳисса қўшишди.

Чорвадорлар айни пайтда қишга тайёргарликни бошлаб юборишди. Режа: 3 тонна сомон, 150 тонна хашак, 200 тонна янтоқ, 156 тонна гулбеда, 60 тонна хашаки лавлаги жамғаришдир. Шунингдек, чорва моллар қишлайдиган молхона, бузоқхона, чўпонлар яшаётган уйларни таъмирлаш ҳам қизғин тус олган.

Жамоа аъзоларининг асосий мақсади чорвани даромадли тармоққа айлантиришдир.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Яккабоғ тумани.

Маҳалла тинч-юрт тинч

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори республика Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги идоралари зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Айниқса, ушбу қарорнинг жойларда «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларини тузиш тўғрисидаги банди жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгалиги билан аҳамиятга моликдир.

МОЛ ЎҒРИЛАРИ

Мазкур қарор эълон қилиниши биланоқ Жиззах вилояти ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан унда белгиланган талабларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди ва уларни амалиётга татбиқ этишга киришилди.

Дўстлик туманининг Қосим Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда хўжалик раиси Шаҳобиддин Иброҳимов аҳолига мурожаат қилиб шундай деганди: «Жиноятчиликнинг олдини олиш фақат милиция ходимларининг иши эмас. Уларга бизнинг ҳам ёрдамимиз, амалий кўмагимиз зарур. Ўзимиз бепарво бўлсак ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Шу боис, ҳозир хўжалигимиздан икки нафар фуқарони профилактика нозирларига ёрдам бериш учун тайинлайлик. Улар хўжалик аъзоларидан вакилларни жамоат тартибини сақлашга жалб этишда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам беришсин».

Дарҳақиқат, хўжалик раҳбари бу ишга жиддий ёндошиб, «Маҳалла посбонлари» учун жадвал асосида ҳар куни биттадан транспорт ажратадиган бўлди. Шу сингари бошқа хўжаликлардаги фуқаролар йиғинларида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, осойишталик посбонларига янги кўмакчилар ёрдамга келди.

«Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмалари ташкил этилганидан сўнг аҳоли яшаш жойларида жиноятлар сони бир мунча камая бошлади. Шаҳар, туман ва хўжаликлар марказларида яшовчи аҳоли орасидан милицияга ихтиёрий равишда кўмаклаша бошлаганлар ёрдамида турли хил қонунбузарликлар олди олинаётир.

Масалан, айтайлик, Дўстлик тумани участка вакили милиция лейтенанти Жўрабой Эргашев «Тунги гуруҳ»га жалб этилган «Маҳалла посбонлари» аъзоси Файзулла Боликулов билан «Манас» хўжалиги ҳудудида хизмат қилаётган пайтда шу хўжаликда яшовчи Улуғмурод Мингитовнинг қўйхонасидан бир қўйни нотаниш киши етаклаб кетаётганини кўриб қолишади. Сўраб суриштирилганида Омон деган йигит уни ўғирлаб кетаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, «тунги гуруҳ» бошлиғи, участка вакили милиция майори О.Бобоев «Маҳалла посбонлари» аъзолари Иброҳим Ҳотамов ва Ғулом Зокировлар билан 1997 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятни содир этгани учун Россия Федерацияси томонидан қидирилаётган Валера Тухватуллин деган шахсни қўлга олишди.

Тажрибалардан маълумки, жиноятчилар асосан кечки пайтда, яъни қоронғи тушган вақтларида ўз ниятларини амалга оширишга интиладилар. Шу боис, тунги вақтда хизматни кучайтирилган тарзда олиб бориш учун ички ишлар ходимларидан тузилган «Тунги гуруҳ»га «Маҳалла посбонлари» аъзолари ҳам жалб этилаяпти. Натижа ёмон эмас. Масалан, Ғаллаорол тумани ИИБ ходимларига кўмаклашаётган «Маҳалла посбонлари» аъзолари туманнинг «Зарбулоқ» ширкатлар бирлашмаси ҳудудида тунда сигир етаклаган кишини текширишганида, ушбу молни ўғирлаб кетаётгани маълум бўлди. Шунингдек, шу туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Баҳром Мусулмонов ва маҳалла посбони Ғайрат Қаюмовлар томонидан кечаси соат иккиларда от миниб кетаётган шахс текшириб кўрилганида, унинг 1978 йилда Жиззах туманида туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Зафар исмли шахс эканлиги ва у Жиззах тумани Улуғбек ширкат хўжалигида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Абдували Маматқуловга тегишли отни ўғирлаб кетаётгани аниқланди.

«Маҳалла посбонлари» аъзолари ёрдамидан унумли фойдаланиш ва ҳамкорликни кенг қамровли олиб бориш учун улар «Тозалаш»,»Тўр» каби шартли номланган тадбирларга ҳам жалб қилинди.

Ички ишлар, ДАН ходимлари ва «Маҳалла посбонлари» иштирокида «Тўр» тадбири ўтказилаётган пайтда Жомбой туманида яшовчи Қобил Ҳамдамов «Москвич» енгил автомашинасида 400 килограмм балиқни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганда ушланди. Маҳалла посбони Рустам Абдулаҳатов ва милиция ходими Н.Қайлибековлар томонидан тузилган ҳужжатлар айбдорга нисбатан қонуний чора кўрилиши учун прокуратурага юборилди.

«Тозалаш» тадбирида иштирок этаётган «Маҳалла посбони» аъзоси Эркин Илатов милиция ходимлари Ш.Аҳмедов ва М.Эгамовларга довон йўли орқали «Москвич» машинасида 4 яшар новвосни ўғирлаб кетаётган шахслар Жамшид ва Қаҳрамон Деҳқоновларни қўлга олишда яқиндан ёрдам берди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани,
Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
милиция лейтенанти.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Таҳририятимиз Зангиота туман Иттифоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қониқарсиз аҳволдалиги ҳақида шикоят хати олган ва уни текшириб, тегишли чора кўриш учун туман ҳокимлигига йўллаган эди.

Ушбу хат юзасидан туман ҳокими муовини А.Аҳмедов имзо чеккан жавоб хатида таъкидланишича, шикоят муаллифлари эътирозлари тўғри. Ҳақиқатан ҳам «ВУ-1» русумли насос иншооти айниқса ёз мавсумида аҳолини эҳтиёжини қондирадиган даражадаги сув босимини таъминлаб беролмади. Ушбу масала ечимига бағишлаб бешта туман ҳокими иштирокида Тошкент вилоят ҳокимлигида ўтказилган мажлисда вилоят ҳокими муаммони ҳал қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Шундан кейин Зангиота туман ҳокимлиги хўжаликлар ёрдамида 6та янги насос иншооти сотиб олиниши ва ўрнатилиши ҳамда бир меъёрда ишлатишни таъминлади. Айни пайтда хатда кўрсатилган ҳудуд аҳолиси ичимлик сувидан баҳраманд бўлаётир.

ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ.

Газетамизнинг шу йил 17 июл сонида чоп этилган «Ер эгаси ким?» сарлавҳали мақолада «Янгиобод» хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи П-4 канали қирғоғи ва зовур оралиғида сизот сувлар йиғилиб қолган ташландиқ майдоннинг не машаққатлар билан ўзлаштирилганлиги, пировард натижада етиштирилган ҳосилнинг ярми «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» ларга мажбурий бўлиб берилгани, бу ноқонуний хатти-ҳаракатга қачон чек қўйилиши хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Яқинда таҳририятимизга Сайхунобод туман ҳокимлиги назорат инспекцияси бошлиғи, ҳоким муовини Н.Ҳаитов имзоси билан жавоб хати келди. Унда қайд этилишича, текшириш жараёнида мақолада кўрсатилган барча ножўя хатти-ҳаракатлар, амалга ошириб келинган ноқонуний ишлар ўз исботини топди. Текшириш натижалари туман ҳокимлиги назорат инспекцияси Кенгаши аъзолари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Бошқарманинг 19 августдаги 42-сонли буйруғига асосан «П-4» канали бошлиғи Серикбой Аблаев қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди. Бошқарма бошлиғининг сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ҳамдам Абдуназаров эса огоҳлантирилди.

Шунингдек, текшириш жараёнида ташландиқ ердан фойдаланган фуқаролар - Абдусаттор Боймонов, Есенгелди Хўжааҳмедов ва Ҳамро Илмияновларга мавжуд ер майдонлари Гулистон туманига қарашли эканлиги ва демак, ердан фойдаланишни қонуний йўл билан ҳал қилиш масаласи бўйича мазкур туман ҳокимлигига мурожаат этиш лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилди. Ўз навбатида бу ҳақда Гулистон туман ҳокимлиги ҳам расман хабардор қилинди.

Оқ гулим, қизил гулим,
Ишқингда куйган дилим.
Шохларингга тикилсам,
Гулларинг бунча сўлим!..

«Президент кубоги» турнири мусобоқаларида

«ОЛТИН КОПТОК» СЕҲРИ

Мана уч кундирки, жаҳон юлдузларини ўзида жамлаган муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуи байрам оғушида. Мухлислар «олтин копток»нинг парвозини мириқиб томоша килмоқдалар. Дунё теннис рейтингининг иккинчи ўрнини банд килиб турган россиялик ракетка устаси Евгений Кафельников, Грег Руседски, Николас Кифер, Кароль Кучера, Седрик Пиолин, Марат Сафин, Марк Россе, Жан Крослак сингари теннис юлдузлари «Президент кубоги» мехмони.

«Президент кубоги»нинг тантанали очилиш маросимидан сўнг асосий таркиб яккалик учрашувларини Саргис Саргисян (60) ва Карол Кучера(20)лар бошлаб беришди. Қуръа ташланиб аниқлангач, мутахассислар Кучеранинг қўли баланд келишини башорат қилишганди. Қарангки, арманистонлик ракетка устасининг маҳорати бу башоратни пучга чиқарди. Кетма-кет геймларни бой берган Кучеранинг руҳияти тушиб кетди, албатта. 6/1, 6/4 ҳисобида арманистонлик теннис устасининг қўли баланд келди. Юртдошимиз Олег Огородовга ҳамма ҳавас билан қаралганди. Сабаби, унинг рақиби саралаш босқичидан ўтиб келиши керак эди. Ҳамма тўсиқларни муваффақият билан енгиб ўтган Жорж Бастл Олегга муносиб рақиб эканлигини исботлай олди. ПТА рейтингида ўзидан қирқ поғонача қуйида турган рақибига Олег 7/6(5), 6/2 ҳисобида имкониятни бой берди. Дмитрий Томашевич эса 1997 йил ушбу кубокнинг финалчиси Марк Россе билан рўбарў келди. Тажрибали Россега қарши ҳамюртимиз астойдил ҳаракат қилди. Аммо тажриба барибир ўз кучини кўрсатди: 6/2, 6/2.

Мусобақалар аввалида саралаш босқичига старт берилган, турнирнинг асосий босқичига бериладиган тўртта йўлланма учун Франция, Буюк Британия, Германия, Россия, Япония, Қозоғистон, Белорусь, Югославия ва Швейцариядан ташриф буюрган 17 нафар теннисчи билан бирга 10 нафар юртдошларимиз кураш олиб борган эди. Қизғин баҳсларга бой бўлган мазкур мусобақаларнинг иккинчи куни ғолиблар аниқланди. Швейцариялик теннисчилар Г.Бастл ҳамда И.Хойбергер, белоруслик А.Швек,Таиланд вакили П.Сричафанлар асосий босқичда кураш олиб борувчи теннисчилар сафига қўшилдилар. Афсуски, ҳамюртларимиздан биронтаси ҳам бу саралаш учрашувларида муваффақиятга эриша олмадилар.

Теннисда энг оғир ўйин жуфтликлар ўртасидаги баҳс ҳисобланади. Чунки жуфтликдаги шериклар бир-бирини тушуниб ҳаракат қилмас эканлар, улардан омад юз ўгириши мумкин.

Жуфтлик ўйинларида асосий таркибга кириш учун Э.Эрлих (Исроил) ва Ж.Эрлих (Исроил) А.Кедрюк (Қозоғистон) ва А.Швек (Белоруссия) жуфтлигига, ҳамюртимиз А.Маҳкамов ва германиялик М.Командеур Ж.Бастл (Швейцария) ҳамда А.Пармар (Буюк Британия) жуфтлигига қарши кортга чиққанларида фикримиз ўз исботини топди.

Ҳамюртимиз Абдулҳамиднинг шериги Молтенинг кутилган даражада ўйин кўрсата олмагани Швейцария ва германиялик ракетка усталарининг ғалабасини таъминлади. Исроиллик ака-ука теннисчилар эса рақибларини биринчи геймда 7/6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бироқ иккинчи сетда Алексей ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этди: 7/6. Белоруслик шеригининг олдинги ўйинларда бироз толиққани ҳисобига Алексейнинг кўпроқ «тер тўкишига» тўғри келди. Икки геймда ҳам тай-брек юз бериб очколар тенглашгач, учинчи сет ҳақиқатда қайси жуфтлик кучли эканлигини кўрсатиши керак эди. Бунда яна Алексейнинг маҳорати қўл келди. Анча юқори мавқега эга бўлган ака-ука Эрлихлар (жуфтлик баҳсларида 635-ўринда туради) Алексей ва Александр жуфтлигига ҳисобни бой беришди: 3/6. Шунингдек, ПТА рейтингида тобора юқорилаётган россиялик Марат Сафин ва Белорус теннисчиси Владимир Волчковлар жуфтлиги Жанубий Африка Республикасидан ташриф буюрган теннисчилар Лан Балл ва Пит Норвал жуфтлиги билан кураш олиб бордилар. Марат ҳамда Владимирлар бир-бирини жуда яхши тушуниб харакат қилдилар ва бу ўз натижасини кўрсатмай қолмади. Ҳар икки сетда ҳам бир хил 6/4 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Швейцариялик Л.Манта ва М.Кейл жуфтлиги хорватиялик И.Любичик ва Л.Телман жуфтлигини доғда қолдирди: 4/6, 6/4, 7/6 (8). Нидерландия ва швейцариялик С.Гроен ҳамда Р.Федерерлардан ташкил топган жуфтлик Югославия ва нидерландиялик П.Вессел ҳамда Н.Зимонжиклардан иборат жуфтликни мағлубиятга учратди: 3/6, 7/5, 6/3.

Кортларда беллашувлар қизғин давом этмоқда.

Ҳамшира — 99

ҒОЛИБГА «ДАМАС»

«Чорток» санаторийсининг маданият саройи байрамона безанган. Сабаби бу ерда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузуридаги Курортлар бошқармаси санаторийлари ўртасида «Ҳамшира-99» кўрик-танловининг охирги боскичи бўлиб ўтди.

Саройга кираверишда, қизил алвон-арқон ичида янги, оқ рангдаги «Дамас» автомашинаси ялтиллаб турибди. Кўрик-танловда ғолиб бўлган жамоа ана шу машинани ютуққа олиб кетиш шарафига муяссар бўлади.

Катта залга одамлар сиғмай кетган. Федерация кенгаши раиси ўринбосари, мазкур кўриктанлов ҳакамлар ҳайъатининг раиси Озода Муҳиддинова мусобақа шартларини эълон қилади. Шарт бўйича саҳнага чиққан ҳамшира аввал ўзини таништиради ва турли усуллар билан маҳоратини кўрсатиб, ўзи ишлаётган санаторийга таъриф беради ва дам олишга чорлайди. Иккинчи шартда касб бўйича тест саволларига жавоб бериш. Учинчиси - эркин мавзу.

Биринчи бўлиб саҳнага чиққан, Самарқанддаги Абу Али Ибн Сино номли санаторий ҳамшираси Нодирахон Хўжақулова ўзи, юрти гўзалликлари ва сиҳатгоҳ, айниқса, сиҳатгоҳдаги қулайликлар, даволаш усуллари, шунингдек, қитъаларда ҳам кам учровчи сирли родон суви ҳақида шеърий йўл ила маҳорат билан ҳикоя қилади.

«Ботаника» санаторийси ҳамшираси Шаҳноза Мирзаева мавзуни саҳналаштирган, чуқур мазмунли композицион йўл билан очиб беради. Сиҳатгоҳ афзалликлари, унинг ўзига хос томонлари, изланиш, кейинги пайтда олиб борилган катта ишлар баён этилади.

«Чорток» санаторийси ҳамшираси Маликахон Муҳиддинованинг ўйинчи қизлар гуруҳи чиқиши, хушовозлик ҳамда топқирлик билан қўшиқ ва шеър ижро этиш томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«Чимён» санаторийси вакили Зайнабхон Абдураҳмонованинг санъатига ҳамма қойил қолди. Биринкетин 15 сардор ҳамширалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Иккинчи шарт - тест саволларига жавоб бериш яна ҳам қизиқарли ўтди. Унда асосан касб, шу жумладан, даволаш, тиббий аъзолари ижрочиларнинг ҳар бир ҳаракати, маҳорати, билимдонлигини ҳисобга олиб, талабчанлик билан баҳо берардилар. Уни залда ўтирганлар яққол ҳис этардилар.

Бундай даражага эришишга сабаб, аввало, тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганлигидир. Кўриктанловнинг юқори савиясини таъминлаш мақсадида жюри аъзоларини танлашга алоҳида эътибор берилди.

Фикримизни исбот қилиш учун улар исм-шарифларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биласанлар. Ҳамширалар ниҳоятда масъулиятни ҳис этишган ҳолда қатнашардилар. Уларнинг билимдонликларига тан бермай илож йўқ.

- Бундай кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, - дейди Курортлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Одилжон Мамажонов,- санаторийларда дам олувчи ва даволанувчиларга хизматни янада яхшилаш, ҳамширалар билим даражаси, савиясини ошириб бориш, уларнинг баркамоллигини таъминлаш, тажриба алмашиш, шунингдек, республиканинг турли жойларидаги санаторийлардаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдир. Ниятимиз эл соғлиғи хизматини яхшилашдир.

Кўрик-танловда ҳамширалар доно жавоблар қилишар, хушмуомалалик намуналарини кўрсатишарди. Ташкилотчилар, иштирокчилар, ижрочилар билан суҳбатлашдик, бу борада эришилган юқори даража сабаблари ва сирларидан воқиф бўлишга интилдик.

Мустақиллик ҳаётда ўзининг бус-бутун борлиғини намоён этмоқда. Янгича фикр, янгича турмушни, ўзликни англашни тақозо қилаяпти. Юртимиз ниҳоятда гўзал. Унинг пурвиқор тоғлари, кўркам манзаралари, тўлқин уриб оқаётган дарёлари, асалдек ширин мевалари, боғ-роғлари тилларда достон.

Санаторийлар ана шу тенги йўқ гўзалликлар бағрида жойлашган. Ўзбек юртининг сиҳатгоҳлари ўзига хос бўлмоғи керак. Энди шўро давридаги ётоқхона услубидаги бинолардан воз кечишимиз керак. Улар инсонни эъзозлайдиган жаннатдек дам олиш ва даволаниш маконига айланмоғи даркор. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда сиҳатгоҳларда катта ўзгаришлар қилинди. Замон талабидаги янги бинолар бунёд этилди, борларидан қанчаси қайта таъмирланди. Ҳар қачонгидан кўп люкс хоналари ташкил этилди.

Ушбу тадбирга тайёргарлик даврида санаторийлар жамоалари номзод шифокорлар, олимлар, мусиқашунослар, тарихчилар, маданият ходимлар, турли ижодкорлар билан мулоқотлар қилдилар. Улар билан бамаслаҳат турли режалар туздилар. Музейларга бордилар. Шу муносабат билан санаторийлар ички ҳаётида мазмунан катта ўзгаришлар қилинди. Янгича даволаниш жараёнлари яратилди. Маънавият бўйича катта режалар тузилди.

«Қашқадарё соҳили»да янги клуб ишга туширилди. «Зомин»да катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Ситораи Моҳи Хосса»даги маданият уйидаги саҳна замонавий талабга мос равишда ташкил этилди.

«Чорток» санаторийсида маданият уйи қайта таъмирланди. Неча бор шанбаликлар уюштирилди. Намангандаги кўп ижодкорлар ишга жалб этилди. Сиҳатгоҳнинг бош шифокори Ҳусан Мубораковнинг айтишича, барча ишлар санаторий қурувчилари ва маҳаллий фаоллар ёрдами билан қилинди.

Кўрик-танловга тайёргарликда ҳамшираларга санаторий маъмурияти, малакали шифокорлар, кутубхоначилар, маданий-маиший хизмат ходимлари барча-барчаси ҳамкор бўлдилар. Ҳамширалар кучоқ-кучоқ китобларни кўздан кечирдилар, изландилар.

Охирги турга келиб рақобат шу даражада кучайдики, гоҳ у санаторий вакили, гоҳ бу санаторий вакили олдинга ўтиб оларди. Ниҳоят, 204 балл тўплаган «Чорток» санаторийси ҳамшираси Маликахон Муҳиддинова ғолиблик шарафига муяссар бўлди. 203 балл тўплаган «Ботаника» санаторийси ҳамшираси Шаҳноза Мирзаевага иккинчи ўрин насиб этди. «Чинобод» сиҳатгоҳи ҳамшираси Шоира Жўраева ва Намангандаги «Ниҳол» санаторийси ҳамшираси Комила Бозорова учинчи ўринни эгалладилар.

«Чорток» санаторийсига тантанали суратда «Дамас» автомашинасининг калити топширилди. Ғолиба Маликахон Муҳиддиновага телевизор берилди. Иккинчи ўринни олган «Ботаника» сиҳатгоҳига «Мусиқа маркази», учинчи ўринни олган «Чинобод» санаторийсига видеомагнитофон, «Ниҳол» сиҳатгоҳига гилам совға қилинди.

Будир ПЎЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳар тўғрида

ТУЯ НЕГА ЧАНҚАМАЙДИ

Туя ҳар қандай қийинчиликларга чидайдиган, узоқ вақт сув ичмасдан юра оладиган ҳайвон. Унинг дашту биёбонларда бир неча кунлаб сув ичмасдан яшай олиши кўпчиликни ҳайратга қолдиради. Олимлар туянинг ана шу хусусиятини ўрганиб, шундай хулосага келдилар. Туянинг ўркачи сув ғамлаб қўядиган жой бўлмасдан, балки туядаги ёғнинг тўпланган ери экан. Ёғ заҳираси ҳамма ҳайвонларда ҳам бор. Бироқ, ўркач фақат туяда мавжуд. Бунчалик ортиқча юкнинг туяга нима кераги бор?

Физиологлар бу саволга жуда ишончли жавоб топдилар. Агар ёғ заҳираси бошқа ҳайвонлардаги сингари туянинг бутун танасига тарқатилган ҳолда бўлганда эди, у вақтда туя баданидан ўз иссиқлигини чиқариб тура олмаган бўларди.

Физиологларнинг фикрича, туяда ёғ заҳирасининг танани қоплаб олмаганлиги туяга бадандаги ҳароратни чиқариб туриш имконини беради. Бу эса уни сувсизликдан сақлайди.

ГЮГО ЕВРО ТАРАФДОРИ БЎЛГАН

Европа Иттифоқи мамлакатларининг ягона валюта - еврога ўтиши учун фурсат етди. Францияда чиқадиган молия журналининг ёзишича, Европа учун ягона валютанинг фойдаси тўғрисида ўз вақтида Наполеон Бонапарт, Виктор Гюго ва ҳатто Платон ҳам бош қотиришган экан.

Наполеон евронинг ашаддий тарафдори бўлган. У 1807 йилда Неапол қиролига қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган эди: «Башарти пул босишга киришсангиз, мен бу пуллар француз пулларига тенг бўлишини истар эдим. Мен Италиядаги ўз қироллигимда шундай қилганман. Шу тариқа бутун Европада ягона пул вужудга келади. Бу эса савдо учун катта наф келтиради».

Ёзувчи Виктор Гюго ҳам узоқни кўра олган экан. 1855 йилда ёзган «Қилмишлар ва сўзлар» деган асарида «Европанинг бутун ҳудудида амал қиладиган темир ва қоғоз пулни жорий қилиш лозим. Бу пул қитъани шаҳзодалар тасвири туширилган қашшоқлик рамзини ифодаловчи беҳисоб тангачалардан фориғ этсин» деб кўрсатиб ўтган эди.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Туя қирқ кун сув ичмай, ишингизни қилавераді. Бироқ, машина эса ҳар доим «сув» ичиб туриши керак. Бу «сув»нинг номи - «бензин».

«Бензин» арабча «Лубан жавий» деган сўздан келиб чиққан. Унинг маъноси «Ява» (Арабистондаги жой номи) «бухўри», демакдир. Бу бир хил хушбўй қатрон.

Бу сўз «бензой» шаклида лотин тилига ўтган ва италян тили орқали рус тилига, ниҳоят ўзбек тилига ҳам кириб келган. «Нефт» аслида арабча сўз бўлиб, «қорамой» ёки «силжиб юрувчи суюклик» деган маънони билдиради.

Археологик маълумотларга кўра, инсоният нефтдан 7 минг йилдан бери фойдаланиб келади. Дастлаб Месопотамияда, Фрот дарёси қирғоқларидан олинувчи нефтдан асфальт тайёрланган.

Шу дарё мансабидаги Ур шаҳрида нефт смоласидан цемент ўрнида фойдаланилган. Мисрда нефт мурдаларни мўмиёлашда ишлатилган.

Гаройиб олам

ҲАЗИЛЛАШГАН КИМ?

Яқинда Австралиянинг Марри шаҳрида иш юритувчи савдогарларнинг ҳаммаси бир варакайига ғалати мазмундаги факсни олишди. Унда яқин орада маҳаллий Ясситоғда қандайдир мўъжиза содир бўлиши ва шу сабабдан, бу ерларда сайёҳлар оқимининг кўпайиши ёзилган эди.

Савдогарлар буни ҳазилга йўйиб, ахлатга ташлаб юборишди.

Бир ҳафтадан сўнг, эса...

Маҳаллий учувчилар навбатдаги парвоз пайтида Марри ясситоғида 4 метр километр келадиган одамнинг график расмининг пайдо бўлганлигини кўриб қолишади. Суратдаги одам ялангоч, узун сочлари гарданига турмакланган бўлиб, қўлида йўғон ҳассаси бор эди. Энг таажжублиси шундаки, бу сурат худди австралиялик аборигенлар ҳақидаги дарсликдан тушиб қолгандек,-дейди, суратни ўрганиб чиққан олимлардан бири.

Олдинига олимлар бу ғаройиб суратни маҳаллий қабилаларнинг жоду маросимлари билан боғлашга ҳаракат қилдилар. Аммо, аборигенлар ўзлари даҳшатга тушиб, суратни - мудҳиш фалокатнинг каромати, деб ҳисобладилар.

Кейинчалик америкалик тарақатчиларнинг иши, деган гумон пайдо бўлди. Чунки, ўша атрофдан, - «Баҳайбат Стюарт» ва «Довуд аждодлар» секталарининг номлар кўрсатилган шиша идиш топилди. Бу шунчаки оддий безориларнинг иши,- деб тахмин қилганлар ҳам топилди. Суратнинг четлари худди ер қазиш машинаси билан ковлангандек, аммо чизиқлар равонлигини қандай қилиб мукаммал сақлаб қолиш мумкин экан? Ахир, сурат солиш ва бирданига нақ 3.000 метр баландликдан назорат қилиб туриш - ҳеч бир жонзотнинг қўлидан келмаса керак. Акс ҳолда, инсонга нафақат тўрт муча, балки уни осмонга чиқариб ва яна ерга олиб тушадиган қурилма ҳам керак. Шунинг учун ҳам кўпчилик, бу суратни ҳойнаҳой ўзга сайёраликларнинг навбатдаги бир жумбоқларидан бири бўлса, ажаб эмас...-деб ўйлашаяпти.

УЙЛАНСАНГ, ПАРИГА УЙЛАН

Саудия Арабистонининг бир фуқароси диққинафас, бўлиб чукур руҳий тушкунликка тушибди. Дунёнинг ҳеч бир лаззати ҳам уни бу ғамгинликни тарк этишга ундай олмабди. Фавқулодда Нигериядан ҳажга келган бир жодугар унга ёрдам қўлини чўзади. Маълум бўлишича, у руҳий хасталикларни сеҳр-жоду билан даволар экан. Жодугар унга ғам-ғуссасининг асл давоси жинга уйланиш дейди. Ҳа-да, айнан жинга, чунки аёл жинларнинг ичида парилардай ҳурликолари ҳам учрар эмиш. Жодугар ўша жин аёлни олиб келишни ҳам бўйнига олибди.

Ғафлатда қолган йигит чуқур хўрсинахўрсина ноилож, қалин тарзида бир миллион саудий реали (250 АҚШ долларидан зиёдроқ) ва икки килограмм соф олтинни жодугар қўлига тутқазиб, янги жинкелинчакни ўз ҳарамига олибди. Фалаккнинг гардиши билан жин-хотин ҳам унинг кўнглига оро беролмабди.

Энди бу маш-маша судда кўрилаётган эмиш. Алданган йигит жин-хотин ва нигериялик жодугар устидан арз қилибди. Текширув пайтида жин-хотиннинг нигериялик оддий фирибгар аёл эканлиги аниқланди.

Газетанинг навбатдаги сони. 18 сентябр куни чиқади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.50

Буюртма Г— 0734. 1 2 3 4 5 6